



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН + № 85 (9321). • 1988 йил 30 апрель • Баҳоси 3 тийин.

ШАНБА

СОНИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 28 апрелда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида КПССнинг бўлғуси XIX Бутуниттифоқ конференциясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бир қанча ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Сиёсий бюро электрон саноатни ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан ҳукумат ишлаб чиққан тақлифларни муҳокама қилди. Жамиятнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, мамлакатнинг илғор фан-техника

марраларига чиқиб олишини таъминлаш йўлини амалга ошириш электрон саноатни янада юксалтиришга оид шоялинич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилаётганлиги, бу саноат маҳсулоти халқ ҳужалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга, унинг самарадорлигини оширишга ҳал қилувчи таъсир ўтказётганлиги мажлис давомида уқтириб ўтилди. Айниқса кейинги йилларда электрон бошқарув воситаларига эга бўлган машиналар, ускуналар ва приборлар, ҳисоблаш техникаси ишлаб

чиқариш кенгайтирилиши сабабли электрон-техника маҳсулотларига эҳтиёжнинг ўсиш суръатлари билан электрон саноатни ривожлантиришнинг белгиланган истиқболлари ўртасида катта номуаносиблик ажуудга келди.

Ватан электроникасининг илмий ва ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ҳамда мустахкамлашга оид тадбирлар комплекси маъқулланди. XII, XIII беш йилликлар мобайнида ва 2000 йилгача бўлган даврда электрон саноати қувватини кўпайтириш, ишлаб турган корхоналарни реконс-

трукция қилиш ва мамлакатнинг турли регионларида бир қанча янги заводлар қуриш, микроэлектроника проблемалари билан шуғулланувчи илмий марказлар барпо этиш белгиланди. Электрониканинг техникавий даражасини анча оширишга қаратилган амалий ва фундаментал тадқиқотларнинг комплекс программаси қабул этилди. Бу ишларга СССР Фанлар академияси ташкилотларини ва олий ўқув юртларини жалб этиш белгиланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси Литва Компартияси Марказий Комитети билан Литва ССР Министрлар Совети, Эстония, Компартия-Марказий Комитети билан Эстония ССР Министрлар Совети кенг активлар иштирокида ишлаб чиққан шу


республикаларнинг халқ ҳужалигини бошқариш бош схемаларини маъқуллади. Бошқарувни такомиллаштиришга оид тақлифлар республикалар Олий Советларининг сессияларида муҳокама қилинган ва қўллаб-қувватланган. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорларига ҳамда давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ янги схемалар бошқарувни тубдан қайта қуришга, унинг аппаратурини қисқартириш ва арзонлаштиришга, шу республикалар социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш юзасидан раҳбарликнинг устун даражада иқтисодий усулларига ўтиш учун ташкилий шартшароитлар яратишга қаратилган.

(Давоми 2-бетда.)

Уртоқлар! Бутун кучини жамиятни қайта қуришга, демократиялашга ва туб иқтисодий ислохотга сарфлайлик!
(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май кечқулоғидан.)



Пойтахтимиз Тошкент байрам либосида.



А. ЗУФАРОВ фотолари.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

1988 йил 16 апрель кунин В. И. Ленин таваллудининг 118 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказилди. Шанбалик совет кишиларининг сиёсий ва меҳнат активлиги ошиб бораётганлигининг, улар КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилаётганликларининг ёрқин далили бўлди.

Шанбаликда 157 миллиондан ортиқ киши қатнашиб, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, транспорт ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларидаги иш ўринларида, шунингдек шаҳар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришда ишлабди. Шанбаликка тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда юксак даражада уюшқонлик ва ишчанлик кўрсатилди. Тўла ҳўжалик ҳисоби ва ўзини

ни ўзи маблаг билан таъминлаш шароитида меҳнат қилаётган кўпгина меҳнат коллективлари халқ ҳўжалиги ва аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришга, шартномавий мажбуриятларни бажаришга алоҳида эътибор бериб, иш ҳажмларини ўзлари белгиладилар.

Шанбалик қатнашчилари юксак унум билан ишлаб, ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили топириқларини бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар. Дастлабки маълумотларга кўра, шу кунин саноат маҳсулотининг ўзидан қарийб 1,4 миллиард сўмлик ишлаб чиқарилди. Кўпгина меҳнат коллективларида одатдаги иш кўнларига қараганда анча ортиқ маҳсулот тайёрланди. Маҳсулотларнинг анчагина қисми тежаб қолинган хом ашё ва материал-

лар ҳисобидан тайёрланди. Шанбалик қатнашчилари фойдани ҳисобга олганда 327 миллион сўм ишлаб топиб, беш йиллик фондига ўтказдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида фаол иштирок этган ишчилар ва колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, Совет Армияси ва Флотининг жангчилари, ёшлар, уруш ва меҳнат ветеранларига фидокорона, ҳолисона меҳнатлари учун самимий миннатдорчилик изҳор этадилар.

Совет кишиларининг истаклари, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг тақлифлари инobatга олинб, шанбаликда ишлаб топилган маблаглар чақалоқлар уйлари, етим болалар ва ота-оналарининг қаровисиз қолган болалар учун болалар уйлари ва мактаб-интернатлар қуришга, қишлоқ ва район соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий базасини янада мустахкамлашга, Уруш ва меҳнат ветеранларига, социал-маиший хизматини яхшилашга сарфланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

(Давом, боши — 1-бетда).

Сиёсий бюро М. С. Горбачёвнинг АҚШ давлат секретари Ж. Шульц 21—22 апрель кунлари Москвага визит қилган вақтида у билан ўтказган суҳбатлари ҳамда Э. А. Шеварднадзеининг Ж. Шульц билан музокаралари якунларини муҳокама қилиб, маъқуллади. Хавфсизлик, маҳаллий муаммолар масалалари ҳамда икки томонлама муносабатлар юзасидан ўтказилган фикрлашулар асосида олий даражада ўтказиладиган навбатдаги Совет — Америка уршувининг

концепцияси хусусида тушунишга эришилганлиги ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган асосий тадбирлар келишиб олинганлиги таъкидланди.

Совет раҳбарияти олий даражадаги Москва уршувини аниқ-равшан ва салмоқли натижалар билан нишониланиши учун зарур куч-ғайратларни сарфлашга тайёр. Бунинг учун Америка томони ҳам шунга мувофиқ равишда интилиши, унинг сиёсий реалликлар билан ҳисоблашишга, музокарадошининг манфаатларини эътиборга олишга, ўзининг жаҳон олдидagi масъулият мезонини пухта ўйлаб қўришга ҳамда

ўз фикрлари ва қадриятларини бошқаларга тикиштириш йўлидаги уринишлардан воз кечишга тайёрлиги зарур, албатта.

Сиёсий бюро Н. И. Рижковнинг Венгрия Халқ Республикасига расмий дўстона визити якунларини маъқуллади. Совет — Венгрия муносабатларининг энг муҳим масалалари батафсил муҳокама қилинганлиги ва эришилган аҳдлашулар Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасидаги қардошлиқ алоқаларини ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар очади. СССР

ва Венгриядаги янгиланиш мақсадларининг муштараклиги ва янгиланиш жараёнлари йўналишлари яқинлиги иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларининг самарадорлигини ошириш, ҳамкорликнинг замонавий интеграцион усулларидан кенг фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. Барча асосий халқроқ проблемаларга нисбатан ягона ёндашилганлиги каби мана шуларнинг ҳаммаси ҳам совет ва венгер халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирилди.

А. Ф. Добрининнинг «Проблеми мира и социализма» журнали иши юзасидан 12—15 апрель кунлари Прагада ўтказилган кенгаш якунлари тўғрисидаги ахбороти қўриб

чиқилди ҳамда КПСС делегациясининг фаолияти маъқулланди. Ошкоралик ва бир-бирининг позицияларига ҳурмат ваъжатидаги рўй-рост фикрлашулар натижасида «Проблеми мира и социализма» журналининг фаолиятини қайта қўриш ҳамда бу соҳадаги тегишли тадбирлар каби муҳим масалани ҳал этишга ижобий ёндашуви коллектив бўлиб ишлаб чиқишга муваффақ бўлишганлигидан мамнуният издор этилди. КПСС Марказий Комитетининг фикрича, бундай ёндашув замон руҳига, коммунистик, бутун ишчилар ва сўл демократик ҳаракат эътиҳорларига мос бўлиб тушади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида мамлакат давлат қурилиши ва ижтимоий-сиёсий турмушининг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилинди.

ТОШКЕНТДА

ТЎХТАБ ЎТИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский бошчилигидаги КПСС делегацияси Ханоидан Москвага қайта туриб 29 апрель кунин Тошкентда қисқа вақт тўхтаб ўтди. Делегация ВКП Марказий Комитетининг тақлифига Биноан Вьетнам Социалистик Республикасида бўлган эди.

Тошкент аэропортида Г. П. Разумовскийни ва делегациянинг бошқа аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. А. Бибуллаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анисичев, Қизил байроқ ордени Тўрқистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали Н. И. Попов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

• 1 Майга— меҳнат рапортлари

УЙСОЗЛАР БАЙРАМ ШАРАФИГА

1-Тошкент уйсозлик комбинатида бошланган социалистик мусобақа илгорлари — А. Закусиллов, А. Князев, Х. Зияев бригадалари биринчи май байрамини зарбдор меҳнат билан кутиб олмақдалар.

Илгор коллективлар биринчи квартал тошларини муваффақиятли бажарди. Масалан, 2-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Александр Закусиллов, бригадаси фақат март ойининг ўзида планини 23 процент ошириб бажарди. Пардозлаш ишлари бошқармасидан Хусан Зияев, монтаж бошқармасидан Александр Князев бригадалари ҳам аъло даражада ишлашмоқда.

1-уйсозлик комбинатининг илгор коллективлари XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Область Совети ижроия комитетининг кўча мажлиси

ГАПНИНГ лўндаси шу ортиқча ақидабозликнинг кераги йўқ. Ишчи ёки хизматчини, деҳқон ёки чорвадорни, эрталаб уйидан хотиржам чиқмас экан, ҳаёли бўлинадиган, қўл уюда ишлайди. Бундай меҳнатнинг натижаси маълум. Хотиржам бўлиш учун эса рўзғори ва болалари тақдиринан кўнгли тўғ бўлиши керак.

Яъни ушбу регионда социал-иқтисодий масалалар мароми ҳар ҳолда изга тушган бўлиши лозим. Бу маҳаллий Совет органларининг бевосита вазифаси, қолaversа — бурчи. Хўш, Бўстонлиқ райони маҳаллий Советлари ижроия комитетлари бу бурчларини қандай бажармоқдалар? Область Совети ижроия комитетининг навбатдаги кўча мажлисида шу масала кенг ва талабчанлик билан муҳокама қилинди.

Хизмат соҳаларининг ривож, аҳолининг турмуш шароити жиҳатидан Бўстонлиқ райони областдаги энг охириги ўринлардан бирида. Кўча мажлисининг бошидан охиригача шу фикр қайта-қайта такрорланди. Чунки, бирор соҳа йўқки, ҳеч бўлма-са қоняқарли, деб айтишга арзисин.

Далил учун гапни савдо хизматининг аҳолидан бошлай қўлайлик. Ҳали айтганимиздек, аҳоли рўзгорининг бутунлиги савдо корхоналари пештахталаридаги молларга ҳам боғлиқ. Аммо афсуски район магазинлари пештахталарида харидор қайрилиб қарашга арзимайдиган ҳар доимги нарсалардан бошқа дурустқў мол ёки маҳсулот йўқ. Фақат раҳбар, пулдор ва чайқовчиларнингта қўли етадиган ноб нарсаларни яшириб ва ошириб сотиш «касали» тузалмапти. Бу дард айнаикса, оддий меҳнаткешларни жуда қийнаб юборди. Уларнинг арзларини адолат қўлоғи билан тинглаб, ҳимоялайдиган ташкилот ҳам, раҳбар ҳам райоinda йўқ. Тўғриси, борликка бор-у, аммо...

Келинг, қуйидаги далилни таҳлил этайлик, масала равшанлашади. Қўшқўрғон матлубот жамияти раҳбарлари вазифаларини сурунчасига суниестемол қилиб кел-

дилар 36-магазинда 3 минг сўмлик камомат содир бўлди. Сотувчи З. Норимова бу пулдан 600 сўмни магазин мудир А. Горчака берган. Гўё бу пул матлубот жамияти савдо бўлими мудир Ф. Тощев орқали давлат савдо инспекциясининг номаълум ходимларига етказиб берилиши керак экан.

Матлубот жамияти раиси М. Муродов импорт моллари келганида, унинг 1800 сўмлигини олиб қўлиб, сотувчига 300 сўм пул берган, холос. Шу магазин сотувчиси Атемова М. Муродов ва Ф. Тощевларнинг кўрсатмаси билан давлат нархи 2 сўм 32 тийинлик аралгини 5 сўм 60 тийиндан пуллаб, ортиқча тушган пулни Ф. Тощевга берган.

Шуниси ажабдандарлики, бундай қингир ишларни қоридан, яъни область ички ишлар бошқармасидан келган ОБХСХ ходимлари очинди, районнинг тегишли ташкилотлари эса ақсинча, бетараф турдилар. Чунончи, 36-магазиндаги навбатдаги текшириш пайтида 13 минг сўмлик камомат борлиги аниқланди-ю, бироқ М. Муродовнинг кўрсатмаси билан ёпиғлик қозон очилмай қолверди. Бундай ҳомилик қилгани учун инвентарловчи Н. Мадраймов қуруқ қолмади, албатта, ҳамёнига 300 сўм текин пул тушди.

Хуллас, қишлоқ матлубот жамиятларига қарашли магазинларнинг пештахталарида бир хилдаги доимий ўтмас матоҳлар қалашиб ётаверди, бир зумда мўмай пулга айланадиган ноб моллар савдоси ташқарида бўлади. Савдо ходимлари учун магазинлари ҳар қуни белгиланган вақтларда очиб-ёпиб юриш шарт эмас, ноб моллар савдосини эпласалар бас. Улар шундай қилишяпти ҳам. Текширув ўтказилган кунин район матлубот жамиятига қарашли 157 та магазиндан 65 таси ёпиқ эканлиги аниқланди. Айрим магазинлар ҳатто уч ойлаб очилмай ётаверди. Ревизия ишлари икки ойга қўзилиб кетадиган магазинлар ҳам бор. Аммо бу билан ҳеч қимнинг иши йўқ. Чунки

АХВОЛ-ТИРИКЧИЛИК ШАРОИТГА БОҒЛИК

юқоридан қуйиғача барча савдо ходимлари рўзгоринда тақчиллик деярли бўлмайдиган. Шундай экан уларга нима?

Район қишлоқларида маънавий хизматнинг аҳоли савдоидан ҳам бешбаттар. Аҳолининг эҳтиёжлари фантинга 31 процент қондирилапти, холос. Аҳвол шундай бўлишига қарамай, кейинги 3 йил давомида бирорта ҳам янги маънавий хизмат кўрсатиш корхонаси қуриб ишга туширилмади. Бўстонлиқ, Солиқ, Янгиовул қишлоқ Советлар территориясида бир киши ҳисобига кўрсатиладиган хизмат бир сўмликка ҳам етмайди.

Виз Жаҳонобод қишлоқ Совети аҳолисида йил бўйи бор-йўғи 19 тийинлик хизмат кўрсатилганлигини эшитиб беҳуда ҳайратланган эканмиз. Сабаби — 4 минг аҳоли яшайдиган Хондайлик қишлоғида умуман хизмат кўрсатилмас экан. Нанай ва Богистон қишлоқларидаги комплекс қабул пунктлари кадрлар етишмайди, деган баҳона билан 1987 йилдаёқ ёпиб қўйилди.

Бўстонлиқдаги айрим аҳоли пунктларида одамлар телевизор ҳақида эшитишган-у, аммо қўришмаган десак, қўнчилик ишонмаса керак. Тўғри-да, бугунги кунда Тошкентдек пойтахт областда телевизор этиб бормаган жой борлигини тасаввур қилиш қийин. Аммо ҳақиқатдан қўз юмиб бўлмайдиган. Қорамозор, Пском, Полванак, Қайнарсой посёлкалари учун қурилиши лозим бўлган ретрансляторлар 1984 йилдан бери аҳолининг ушламас орузси бўлиб келаяпти.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш соҳасидаги чалнақликлар ҳатто статистика органлари ходимларини ҳам чалғитиб юборяпти. Агар район статистика бошқармаси маълумотларига ишонсак, биринчи квартал плани 103 процент қилиб бажарилган. Область статистика бошқармасига берилган маълумотда эса бу рақам 97,4 процент қилиб кўрсатилган. Бу ерда айбни аввало корхоналарнинг ўзидан қидирмоқ лозим. Айрим

раҳбарлар камчиликларни хасушланиш мақсадида ёки сохта мақтовга интилиб, маълумотларни атайлаб чалқаштирадilar. Чунончи, «Чарвак ГЭССтрой» бошқармаси пулли хизмат кўрсатиш йўли билан аҳолига тахминан 25 квадрат метр ҳажмда шахсий уй қуриб берапти-ю, раҳбарлари планини дундирагимиз, дейишади. Аслида бу имконият жиҳатдан ҳисоблаганда 20 процентга ҳам бормайди.

Бошқарма ишчи-хизматчилари эса уй-жой етишмаслиги, социал масалалар эътибордан четда қолаётгани, маънавий хизмат яхши йўлга қўйилмаётганилиги ҳақида область Совети ижроия комитетига кетма-кет ариза ва шикоятлар ёзмақдалар.

Энди кооператив масаласига келсак, бу ҳаракат ҳали Бўстонлиқ районида этиб бормаган, деса ҳам бўлаверди. Фиркиннинг исботи учун шундай мисол келтирармиз. Олмаалиқда 80 минг аҳоли яшайди. Бу ерда турли соҳалар бўйича 43 та кооператив ишлаб турибди. Бўстонлиқда аҳоли сони 120 мингдан ошди, яъни Олмаалиқдагига нисбатан 1,5 баравар кўп. Бироқ утаганига кооператив бор, холос. Бу дарёдан томчи деган гаплар.

Хизмат соҳаларида аҳвол шундай бўлган, касса планларининг бажарилмаслиги табиий. Аммо район берган маълумотда биринчи квартал плани 104 процентдан ошириб бажарилганлиги қайд этилган. Йўқ, бу қалбаки рақам, кўча мажлисида бу исботланган. Квартал планини бажарилган қилиб кўрсатиш учун апрель ойидаги касса тушумидан маълум қисми қўшиб юборилган. Мана энди апрель ойи касса планига бир миллион сўм етмай, сир очилиб қоляпти. Бундан ташқари ҳозир район меҳнатқашларига ойлик иш ҳақи тўлаш учун 500 минг сўм етишмай турибди.

Шундай қилиб, кўча мажлисида барча хизмат соҳаларидаги ишнинг аҳоли қониқарсиз деб баҳоланди ва орадан маълум муддат ўтган, бу масалаларга яна қайтишга қарор қилинди.

Республика ҳамда область комиссиялари республика меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг вакиллари билан биргаликда Қримнинг қишлоқ районларига уюшган ҳолда қўчиб бориш учун оилаларни танлаш соҳасидаги ишларни давом эттирмақдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ВА СОЦИАЛ МАСАЛАЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ҲАМДА ҚРИМ ТАТАРЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ИШЧИ КОМИССИЯСИДА

28 апрель кунин Тошкентда меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳамда республика ишчи комиссияси

вакиллари кўча мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида меҳнат коллективлари ва область комиссиялари қрим татар вакилларидан уюшган ҳолда Қрим областига қўчиб бориш учун тавсия этган кишиларнинг состави қўриб чиқилди.

Ангрэн шаҳридаги шаҳар қурилиш бошқармасининг дурадгори А. А. Ислямов, Янгийўл шаҳридаги 109-механизациялашган кўча колоннанинг ёшт терувчиси А. Метов, «Ирчижилстрой» 160-қурилиш трестининг бечониси Р. Ф. Алиев, Галаба

районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ишчиси Ф. Билалов, Бекобод районидаги «Давларзин» совхозининг шофери У. Чўлакчи, Чиноз районидаги «Чиноз» совхозининг тракторчиси Э. Усеинов, собик интернационалист-жангчи, «Ташсельмаш» заводининг слесари Р. Н. Ахтемов, Тошкент шаҳридаги 8-қурилиш трести 36-қурилиш бошқармасининг бригадир А. Абкеримов, Тошкент шаҳридаги 1-уйсозлик комбинати пардозлаш ишлари 1-бошқармасининг бўёқчиси Э. М. Усмонов ҳамда қрим татар



ҲАВАС ҚИЛГУДЕК

Ҳурматли редакция! Медицина фанлари кандидатлари Зикрилла Эгамбердиев ва Зарифа Эгамбердиевалар имзоси билан босилган кўплаб рисола ва китобларни ўқиганимиз. Зарифа опани билади-ганлар жуда доно, оқил-аёл деб таърифлашади. «Дугонажонлар» саҳифасида шу аёл ҳақида маълумот берсангиз.

З. САЙФУДДИНОВА, «Чевара» тикув-ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси.

ТАНИҚЛИ шифокор Зикрилла Эгамбердиевнинг бирден-бир орзуси урушдан қайтган, фарзандларини одобли ва билимли қилиб ўстириш эди. У ўз ниятига эришди. Уғил-қизлари ўқиб-ишлаб ҳаётдан муносиб ўринларини топдилар. Қизи — Зарифа ота изидан бориб шифокор бўлди.

Ешлигидан китобга меҳр қўйган отадаги фазилатлар Зарифада ҳам жуда тез мужассамлашди. У медицинага доир қўлланмалар, рисола-ларини ўқиб билан бирга бадний адабиётга ҳам ихлос қўйди. Кейинчалик отада ҳам, унинг қизиди ҳам билим ҳамда тажрибаларини омма билан баҳам кўриш истаги туғилди. Бу ҳавас ҳар икковини Тошкентдаги газета ва журналлар редакциялари билан дўстлаштирди.

Ўз ижодий ишларини ўқувчиларни медицина ютуқлари билан таништиришдан бошлаган шифокорлар кейинчалик турли ҳикоя, очерк, лавҳалари ва донолар бисотидан тўплаган ҳикматлари билан кўпчиликлари танилди. Уларнинг 25 та турли ҳажмдаги китобчалари ва 500 га яқин одоб, ахлоқ, тиббиётга яқин мақола-ларини ўқувчилар илқ қутиб олишган.

Ҳозир Зикрилла ака пенсия гаштини сурояптилар. Зарифа эса Тошкент давлат педиатрия институтини ишламоқда.

Зарифа Эгамбердиевани бахти тўқис аёл дейишимиз мумкин. Илм бобиди устози Комилжон Ахмадзонович Зуфаров раҳбарлигида медицина фанлари кандидати даражасига етишган бўлса, оилада умр йўлдоши Мелис Маликова билан ҳамкор, ҳамнафасликда беш фарзандни тарбиялаб voyга етказмоқда.

— Илмда ва оилада ўз бахтинини топишимда қайнонам Ҳурихон ая чинкам она-лик қилдилар, — дейди З. Эгамбердиева. — Илмий ишимда узиллиш бўлмаслиги учун у киши болаларимни жуда ёшлагиданоқ ўзлари боқиб тарбия қилдилар. Ҳозирда эса voyга етган ўғил-қизларим буви-ларига парвона.

Д. СУЛТОНОВА.

Я Н Г И Ч А АНЪАНАЛАР

✱ Еш келин-куё-ларга энг яхши тилан-лар билдириш халқи-мизнинг қадимий анъанаси. У давримизга мос янги мазмун билан бойимокда. Республи-ка уруш ва меҳнат ветеранлари советида уларни қабул қилиб, қутлаш йўлга қўйди. Бу ерда қабул қилинган келин-куё-ларни уруш ва меҳнат ветеранлари қизини қут-ламоқдалар, уларга тотув турмуш қуриб, бахтли ҳаёт кечирши-ларига истақлар бил-дирмоқдалар. Ушбу су-ратда шундай қутлов-ларнинг бири акс эт-тирилган.

М. Назаров фотоси.



ЭДИНГИЗДА БЎЛСИН

● Балиқ қовураётгани-ни-ғизда бўлак-бўлақларга аж-ралиб кетмасин десангиз уни аввал тузлаб қўйинг ва туз обдан сингинулча 10—15 минут вақт ўтсин.

● Бўлақларга ажратиб қў-йилган балиқлар устига оз-роқ уксус аралаштирилган

сув ёки лимон шарбати се-либ ташласангиз, балиққа хос ҳидни қутаради.

● Жигар устидаги юпқа пленка қисмини осонроқ аж-ратиб олоқчи бўлсангиз, бир минутча илқ сувга со-либ қўйинг. Мол жигарини қовуришдан олдин сутга

бўктириб олсангиз, юмшоқ ва мазали бўлиб пишади.

● Шўрвалар, қайдаларга дориворларни пишшидан сал олдинроқ солсангиз, уларнинг мазаси бугланиб кетмайди.

● Қотлетларни паст олов-да пиширинг. Баланд оловда

Хотин эрига деди:

— Айтич, жоним, сен ме-ни сочим оқарганда ҳам се-васанми?

— Бўлмасамчи, — деди эр бепарвогина газетасини ўқишда давом этиб. — со-чларинг қора, малла, сийҳ-ранг пайтларда ҳам яхши кўрганман-ку!

Сотувчи харидорга:

— Хоним, уч соат ичида 17 хил қўйлакни қийиб кўр-дингиз, харид қилиш ния-тингиз ҳам борми?

— Кечирасиз, жаноб, молларингизни нархи бирам осмон-ки, мен шўрликча яго-на имконият, уларни фанат бир бир қийиб кўриш холос...

— Ҳайроиман, — дебди эр аллақадарга телефон қи-лаётган махмадона хотинига. — қандай қилиб 20 минутда гапингни тутатдинг ё мазагн йўқми?

— Ҳа, йўқ! Номерни ян-лиш териб қўйибман...

эса юқори қисми қуруқшаб, иссиқни яхши ўтказмайди ва котлетнинг ичи пишмай қоли-ши мумкин.

● Металл буюмларни ги-жимланган қуруқ газета би-лан қаттиқ ишқаласангиз яр-қираб кетади.

ЭРКАКЛАРНИ ҲАМ УНУТМАНГ

МАҚОЛАДА кенг жамоатчилик ҳуқуқига ҳавола этилган фикрлар беихтиёр кишини ўйлантириб қўяди. Уни баҳсга, мунозарас-га чорлайди. Шахсан менинг ўзим бир газетхон сифатида мақолани катта қизи-қиш билан ўқиб чиқдим. Лекин шире-нинг баъзи фикрларига тўлиқ қўшил-майман. Айни пайтда эркаклар томонидан хотин-қизларга нисбатан қилиқ муомала ва меҳр танқислиги "содир бўлаётганини" тан олмасдан иложим йўқ. Қолаверса, бунга балик хотин-қизларнинг ўзлари са-бабчи бўлишаётгандир. «Қарс икки қўл-дан» деб бекорга айтишмаган-ку, ахир.

Тўғри, оилада эрлик ва оталик ҳурмати-ни сақлай олиши биринчи навбатда эркак кишининг ўзига боғлиқ. Кези келганда бир воқеани айтиб ўтмоқчиман: Башорат ая билан унинг умр йўлдоши А. Самадов номини районимизда ҳамма алоҳида ҳур-

ҲУРМАТЛИ редакция! Танишиб қўяйлик: исмим Бахтиёр, фамилиям Мансуров. Газетангизнинг ашаддий мухлислариданмен. Менинг сизга хат ёзишимга «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 9 апрель сониде эълон қилинган «Аёлларга осон тутманг» мақолангиз сабаб бўлди.

Сиз мазкур мақолада хотин-қизларнинг ҳурматини жойига қўйишимизни тақлиф этгансиз, сизнинг фикрингизга қўшилмас-дан иложим йўқ. Лекин...

Газетанинг худди шу номерида тўртинчи бетда Г. Исмоилованинг «Йигитчага ачин-дим» мақоласини ўқиб, ўйланиб қолдим. Ҳақиқатан ҳам ораимизда енгилтабиат қиз-лар, хаттоки ўз туққан боласидан тониб, ташлаб кетётган аёллар йўқ деб ўйлай-сизми? Бундайлар қандай қилиб меҳрибон она, ўз қадрини билгучи аёл ёки ҳурмати-ни жойига қўядиган йигитча муносиб ар-бўла оладилар? Тўғри, бу тоифадаги хо-

мат билан тилга олади. Уларнинг турмуш қуришганига 40 йилдан ошди. Эр-хотин-нинг бир-бирига ҳурмати, муомаласи кўп-чиликлари намуна. Башорат ая эса ўтган йиллар давомида икки қайнонани оқ ювиб оқ таради. Ҳозиргача шу иккисидан қай бири Абдумажид акани туққан, қайсиниси ўғай она эканлигини билмайман, сўрашга эса уялман. Кўрдингизми, аҳилликда гап кўп экан.

Мақола автори сўнгги йилларда арзи-маган сабаб ва бақоналар туфайли тирик етимлар қўлайиб бораётганини чуқур из-тироб билан ёзади. Бу фикрга икки юз фоиз қўшилман. Жумладан, районимизда 1987 йили 823 нафар ёшлар оила қуриш-ган бўлиб, шундан 98 оила ажралиб кетди. Менимча, бунга ёшларнинг бир-бирига муносиб эмаслиги, тажрибасизлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Газетхон! Менинг хатимни ўқиб эр-как киши-да, эркакларнинг анини олибди, деб хафа бўлманг. Ишонинг, аёл мен учун вафо, бахт тимсолидир. Бундан бош-қача тасаввур қилолмайман. Аёл номига муносиб бўлган аёлларга эса ҳамиша син-гингим келади...

А. МАҲМУДОВ,

Пискент шаҳар Гулистон маҳалла коми-тетти раиси.

тин-қизлар кўпчиликини ташкил этишмасе-да, уларнинг биз билан ёнма-ён яшаётган-ликларидан кўз юлиб бўлмайди-ку.

Шахсан мен хотин-қизларни сиз айтган-дек асраб-авайлаш тарафдориман. Онам-нинг айдорларидан жудо бўлганимга саккиз йил бўлди. Вафот этганларига сира-сира ишонгим келмайди. Қайтадан топи-шинг ҳам иложи йўқ. Шунданми, хотин-қизларга қўпол муомала қилиш туғул улар ҳақида ёмон фикрга боришининг ўзини катта гуноҳ деб биламан. Борди-ю, шун-дай ҳоллар бўлиб қолса, «Уғлим, мен ҳам аёл эитиданман», дея онамининг сиймола-ри кўз ўнгимда гавдаланади...

Уэр, юрагимдаги бор гапларни, бир-би-рига қарама-қарши фикрларимни тўкиб солдим. Ишончим комилки, мени, албатта, тушунасизлар...

Б. МАНСУРОВ.

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ...

МАРДЛИК билан, инсоф билан айтиш керакики, шире Г. Йўлдошеванинг мақола-сида айтилган фикрлар тўғри: рўзгор юмушлари асосан аёллар зиммасида. Хо-тин-қизларнинг ишлаб чиқаришда банд бўлишларини ҳам ҳисобга олсак, уларнинг эркакларга нисбатан икки баравар кўп ишлаётганликлари ўз-ўзидан кўриниб ту-рибди. Шунинг учун эркакларимиз уларга

эътибор ва меҳр билан қарашса олам гулистон. Дейлик, хотини шошилиб овқат-га уннаётганда эри сабзи-пиез тўғраб берса ёки «онаси, биздан сизга ёрдам керакмасин», — деб илқ муомала қил-са, ўйлайманки, аёл қўнгли тоғдек қу-тирлади.

Лекин хотин-қизлар орасида ҳам ўз қад-рини билмайдиган, «тенг ҳуқуқликимиз» деб эрини менсимайдиганлари ҳам учраб ту-ради. Ана шундайлардан асрасин.

Мен ҳали уялмаганман. Шундай бўл-са-да, йигитларга, эркакларга қарата «Хо-тин-қизлар уйнинг туғли, ана шу гулнинг яйраб-яшнаши кўп жиҳатдан сизларга боғ-лиқ», дейишни жуда-жуда истадим.

И. ҚОСИМОВ.



● БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИ-МИЗ
● «ЕШ ГВАРДИЯ»НИНГ ЯНГИ СПЕКТАКЛИ

● КУЛГИ ШИНАВАНДАЛАРИ-ГА
● СОЗАНДАНННГ ИЖОДИЙ ТУҲФАСИ

«АЛВИДО, ҲАЁТ»

УЗБЕК Давлат «Еш гвардия» драма театри совет драматурги Н. Эрдманнинг «Алвидо, ҳаёт» спектаклини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Асарни Қ. Мирмуҳамедов таржима қилган. Икки пардали сатирик комедияни москвалик ёш режиссёр А. Дрозини саҳналаштирди. Саҳна безакларини эса А. Кулаковский тайёрлади.

Спектаклдаги асосий ролни ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Обид Юнусов ижро этяпти. Шунингдек, комедияда ўзбекистон ССР халқ артисти М. Орипов, республикада хизмат кўрсатган артист Г. Жамилова, Д. Исмонлова, актёрлардан Э. Комилов, Д. Каримов, М. Орипова ва бошқалар ўз маҳоратларини намойиш қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: ана шу спектаклдан саҳналар.
Р. Шарипов фотолари.

СССР Болалар фонди республика бўлими правленисининг раиси, Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ҳамза мукофоти-нинг лауреати

Эркин ВОХИДОВга

Етимлар бошини силаш, албатта, Нотугал дунёни этар мукаммал. Ва лекин боласин севмаганларга Ҳақ галии айтиш ҳам керакдир аввал. Боласин суйишни билмаган кимса Бирон бир жазога этилмас маҳкум. Ҳайдалмайди ишдан, маъракалардан, Ойлик, мукофотдан бўлмайди маҳрум. Алла айтишни-да унутганлар ҳам Бошқалар қатори олади ёрдам. «Қаҳрамон она»лар билан ёнма-ён Баҳраманддир барча мурувватлардан. Гудайи жонига теккан кимсалар Олижаноблиқнинг ҳимоясида, Болани топириб давлат уйига ўз айшин суради, яшар осуда. Юрибиз бир чиндим муҳаббат тилаб ўз фарзандига майхўр онадан. Охири бундан ҳам чиқаролмай наф Мурувват сўраймиз етимхонадан. Эсимга келади Ғафур Ғулломнинг «Сен етим эмассан», деган тугёни, Урушин лаънатлаб, тинч ҳаёт учун Севиниш ўргатди юртни, дунёни. Биз кимни қарғаймиз, Етим қалбига Қайси тасаллини сингдирсак экан? Фарзанддан воз кечган бағритошларга

БОЛАСИН СЕВМАГАН—
ЮРТИН СЕВОЛМАС..

Севиниш ўргатиш энди шартмикан? Аммо халқ меҳридан қониб бир кун Мурувват кўролган ўша етимлар. Кишилар қалбига нурдек оқувчи Асқад Мухтор каби шоир етилар. Мен ҳам етимларнинг бошини силамоқ Савоб эканга келтирмагум шак. Бизларга эри, ҳуқуқ берган Ватанинг Хизматини ўтамоқ савоби керак. Мукамал кўрмоқ чун азиз маъвои Ижоду меҳнатга унум тилаймиз. Савобли ишларнинг энг муҳими деб Тирик етимларнинг бошини силаймиз. Афсуски, инсонни севингиз дея Ташвиқот устида сураимиз ҳаёл. Қачон ўзимиздан ортиб

Ватанин Севинишдан иборат бўлади ҳаёт? Боласин севинишдан ор қилган каснинг Ватандош экани қилади алам. Биз эса болани севингиз деб ҳамон Инсофга чорлаш чун йўнамиз қалам. Ватан бойлигидир қудрат, шон-шавкат Баравар койинтас ҳамма жонини. Меҳриси касларга кашф этмоқ керак Ҳазо бандларини, нафрат қонунини. Боласин севмаган — юртни севолмас, Узида бошқага бермас асло тан.

Аслида, Ўшалар-ла мурасамиз чун Бизни кечирмаса арзийди Ватан!..
Малик ЭҒАМОВ.
Бекобод педагогика билим юрти ўқитувчиси.

БЕСАБР БЕМОР

(Касалхонанинг хирургия бўлими. Хонада икки жароҳ бутун кўричак дарди билан келган беморни ким операция қилиш устида ўзаро тортишмоқда)

1-жарроҳ: Бугун келган бемор қаерда, ким билан ишлар экан, билмас бўладими?

2-жарроҳ: (энаси қотиб-роқ) Ҳа, тахта-ёғоч омборининг бошлығы ўхшайди.

1-жарроҳ: Ҳў.. жуда ёлқ жойда экан-ку. Агар рози бўлсангиз, шу беморни мен операция қилсам?

2-жарроҳ: Ҳўш, нимага энди, сиз операция қилишингиз керак экан? Нима, менинг қўлимга чиққан чикқанми?

1-жарроҳ: Ҳа, қўлингиз чиқмасин, мен шунчаки илтимос қиламан-да. Хабарингиз бор, участкам чала ётибди..

2-жарроҳ: Нима, беморнинг қорнидан тахта-ёғоч чиқадими? Мен-ку, ҳали қўрагим йўқ. Борди-ю, чиқиб қолса, ўша нарсадан бизга ҳам керак, биродар. Бунақа беморлар қунда-қунора бўлавермайди.

1-жарроҳ: (норози оҳангда) Қачон шунақанги бемор келиб қолса, қаминанинг яқинига ҳам йўлатмайсан-а! Ахир, сизда инсоф деган нарсаси борми ўзи? Нима, сизда бор нарсаси менда йўқми? Мен нима қилиб ўтирибман бу ерда, пичоқ-қайчини чархлаб..

2-жарроҳ: Ҳа, сизнинг ҳам ўлгудек ношукур экансиз. Ўтган гал шағал заводининг директори қоринини чангаллаб, обнаш бўлиб келганда қўйиб бердим, операция қилдингиз. Ҳўш, демадим. Майли, иши битиб олсин дедим. Участкангиз пойдеворини ўша бечоранинг шағали билан кўтариб олдингиз. Шунда ҳам тишимни тишимга қўйиб турдим.

1-жарроҳ: Ҳў.. ўзлари-чи ўшалар? Мен шағал тушириганимда сиз бегуноҳ боладек бармоқ сўриб ўтирмагандирсиз? Телефон станциясининг бошлиғи тўрт энлик ичагини олдириб, тўрт чақирим.. жойдан сим тортиб уйингизга телефон тушириб берди-ку?

2-жарроҳ: Мен уйимга телефон тушириб олган бўлсам, сиз асфальт заводи инженерини қорини ковлаб, остонангизга асфальт ётқизиб олдингиз.

(Шу пайт хонага ҳамшира кириди).

Ҳамшира: Доктор, тез ёрдам беринг. Бемор ўзини жуда ёмон ҳис қилаётти. Қорини чангаллаб гўжанак бўлиб олди.

1-жарроҳ: Беморга айтинг, озгина сабр қилиб турсин, ҳозир бораман.

2-жарроҳ: Йўқ, мен бораман.

(Ҳамшира қайтиб келади)
Ҳамшира: Энди беморга ҳеч қилинмай кераги йўқ.
Жўр овоз: А-а.. Бемор деган ҳам шунақа бесабр бўладими-а?

А. ШАЙХОВ.



— Ойи, адамнинг адресини ёзиб беринг..
Кутилмаган бу гап Гулбаҳорнинг бутун вужудини титратиб юборди.
— Байрамга атаб табрикнома ёзувдим.

— Ўқитувчимиз дарсда ҳаммага табрикнома ёзишни ўргатди. Дугоналарим уйлари-нинг адресларини ёзиб қўйишди. Мен эса «адам ўқишдалар, адресларини оймидан сўраб ёзиб қўяман», дедим. Дилдора қўлида қоғоз ушлаган ҳолда, ҳамон ойисига ялинарди.

— Яхши қилибсан, аданг «қизим ҳат ёзишни ўрганибди», деб қувонади, лекин сенинг ёзувинг чиройли эмас, конвертга адрес анқ ёзилмас, почтани хатинини олиб бормайди. Кел, уни менга бера қол, адресини ўзим ёзиб жўнатаман.

— Йўк, ойижон, ўқитувчимиз конверт устига адрес ёзишни ҳам ўргатаман, «адамнинг адресини эртага олиб кел, бир-га ёзмайсиз», деди.

— Ким айтди, Бибиҳол Муродовнами?

— Йўк, Бибиҳол опамиз келса бўлиб қолибдилар, ўрнига Гўлсумой опа дарс ўтаяптилар. Гулбаҳор ўзини туттолмади, беихтиёр кўзларидан ёш чиқиб кетди. «Бу ўқитувчи хабарсиз экан-да, Бибиҳол Муродовна айтиб қўймаган экан-да». У ич-нидан изтироб чекар, мўлти-

раб қараб турган қизига кўзи тушиб, баттар юраги эзиларди. Дилдора онасининг йиғлаётганини кўри-да, беихтиёр қўлидагини ойисига узатди.

— Манг ойи, майли, ўзингиз ёза қолинг..
Гулбаҳор секин ўрнидан туриб ортиқкани олди-да, қизига сездирмасдан уни сервант ичиде турган альбом орасига солди.

Орадан анча кунлар ўтди. «Отриткани жўнатдингизми?», деб Дилдора сўрамади, у Гулбаҳорнинг ҳам эсидан чиқди..

Бир кун йўга фарғоналик курсдош дугоналари меҳмон бўлиб келишди. Кутилмаган бу таърифдан Гулбаҳор жуда ку-вонди. Дугоналар талабалик пайтлари ҳақида гапиришиб, кулишиб, роса яйрашди. Гулбаҳор сервантдан ўзининг ёлқ пайтида тушган сурати ёпиштирилган альбомни олди-да, меҳмонларга берди. Курсдошлар бири олиб-бири қўйиб, бегуноҳ ёлқиларни эслатувчи суратларни томоша қилишди. Дилдора ҳам сингил-леси Мархабо билан онасининг пичижага сўқилиб суратларни кўра бошлади. Дилдора альбом орасидан бир отриткани олди-да:

— Ие, ойи, адамларга ёзган отритканини юбормаган экансиз-ку! Менга адам раҳ-мат деб хат ёзмади деб юриб-

ман, мени алдасиз-а, — деди йиғламсираб. Боядан бери суратларни кўриб, бири-бири-га гал бермай ёш боладай қийқиришиб ўтирган дугоналар бирданга жим бўлиб қолиш-ди, сўнг савол назари билан Гулбаҳорга қаради.

— Кечир, қизим, эсимдан чиқиб қолибди, эртага юбора-ман, — деди у зўрга ўзини бо-сид.

Кечки пайт меҳмонлар ёл-ғиз қолишганда, дугонаси Но-дира секингина:

— Адаси ўғирисиде қизлар-қўйишга айтмаганимсан, билиб қўйишса тузук бўлармиди? — деди.

— Йўк, ҳозир айтолмай-ман, катта бўлишганда ўзлари тушунишди, — жавоб берди у.

Шу кундан бошлаб Дилдора болаларга кўп ҳам қўшилмай-диган, ўзини четга тортадиган бўлиб қолди. Унинг нима-лери-нидир ўйлаб гапим юришини кўриб Гулбаҳорнинг ичи уви-шарди, лекин қизини ўйланти-раётган масалада оғиз очишга юраги бетламасди.

Гулбаҳор қизки кийимларни ювиб-тозаллаб қўймоқчи бўлди. Мархабонинг плащини қўлига олди-да, кийимсизга майда-чуйда қоғозларни ерга таш-лай бошлади.

— Намунча қоғоз тикмасанг кийимсизга, — деди у жаҳли чиқиб. Пластидиндан ниманин-дир расмини ясаётган Мархабо ойисига ўғирилди-да:

— Ойи, тегманг у қоғозлар-га, булар Дилдоранинг адам-га ёзган хатлари, оймига кўр-сатмаймиз деган, — деди ҳа-диди. Гулбаҳор оғир ҳў торти-да, улардан бирини очди: икки варақ қоғознинг четлари гуллар билан чирой-ли қилиб безатилган. «Ада-жонимга хат» сўзларидан кей-ин уга шундай сатрлар ёзил-ганди:

Кичкина бўлсам эди,
Конвертга сиссам эди,
Сизни бир кўрар эдим,
Сизни бир ўпар эдим.

«Сизга байрамда отритка ёзган эдим, оймим ўзим юбо-роман», деб эсларидан чиқариб қўйибдилар. «Бибиҳол Муродовна нима учун сизни ёмон кўради, синф мажлисига ду-гоналаримнинг адавлари кела-ди, менга эса нукул ойнинга айт, келсин», дейди. «Мен яқинда касалхонада ётиб чиқ-дим, сизни кўп кутдим..»

— Ойижон, йиғламсан, Дил-дора бу хатни юбормайди, адамлар ўлганмишлар, бари-бир хатни олмас эканлар, Гў-зэл опам айтди. Йиғламсан, жон ойи, юбормаймиз, — яли-нардди Мархабо..

Мақтабдан қайтган Дилдора-нинг бўсағада жингина куз-тиб турганини кўрган Гулбаҳор болаларни бэргига босди, у-га қизлари бирданга улайиб қолгандек туюлди..

Гўлсара ИСМОИЛОВА.



ГАЗЕТХОН БОНГ
УРАДИ

АСЛИ ҲОЛИГА ҚАЙТАРИШ КЕРАК

ПАРКЕНТДАН узоқлашиб Туяқизил яйловларида «Гулбоғ» совхозининг чўпонлари Муроджон Ашуралиев, Қуттибой Тожибоев, Маъмур Исломовлар билан бир пиёла чой устида суҳбатлашар эканмиз, уларнинг ҳар бир сўзидан бу қадрдон ўтлоқларга меҳрлари чексиз эканлигини пайқардик. Улар бу йил қиш яхши келгани, қўзилаштиш мавсуми дуруст ўтганини, ҳар юз совлиқдан 113 тадан қўзи олишгани ҳақида гапирди.

Айни вақтда уларнинг қалбига озор бераётган дард ҳам бор экан. Суҳбатимиз давомида 31 йилдан бери шу қирларда чўпонлик қилиб келатган, бу ернинг ҳар бир майсаси-ю тоши ёд бўлиб кетган Толийбой ака Нишонов куюниб гапирди:

— Хуш пастдаги мавжланиб турган сувга қаранг, — деди кўрсаткич бармоғи билан паст томонини кўрсатиб. — У Ҳўжақўл. Бундан бир неча йил илгари ҳам уни таровати ўзгача эди. Айниқса, дам олиш кунлари табиат ошқлари билан гавжум бўларди. Яқин атрофдаги қишлоқлар, ҳатто шаҳарликлар ҳам бу ерга келишар, унинг зилол сувларида мириқиб чўмилишар, чарчоқларини ёзишарди. Ҳозир бу кўпнинг яқинига бориб бўлмайди. Нохуш хид тунукун аниқб ётади. Сувида ҳам, қўй-эчкилар ҳам ҳазар қиладиган бўлиб қолган, ичмишмайди...

Чўпонлар ҳамроҳлигида кўлга яқинлашамиз. Йигирма метрлар пастда у мавжланган турарди. Тўда-тўда гозлар сузиб юришар, улар атрофдаги ўтлоқларга ҳам ёйилиб кетган.

Ҳақиқатан ҳам бадбўй хид димоққа урилиб, кўнгилни беҳузур қилди. Чўпонларнинг куюнганларича бор эди. Бу ерда гозлар салтанати ҳукмрон бўлиб қолди. Чунки бу кўлда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирилмаси ёрдамчи хўжалик — гозчилик фермаси ташкил этган экан. Минг-минглаб гоз боқилгандан кейин кўл нихоятда ифлосланиб кетган, чиринди, оқава сувлар ҳам унинг санитария ҳолатини ёмонлаштирмоқда. Шундай ҳақли савол туғилди: шу кўлда гозчилик фермаси ташкил этиш шунчалик зарурдими? Нахотки табиатнинг ажойиб эҳсонини ўз ҳолича, меҳнаткашларнинг дам оладиган маскани сифатида сақлаб қолш мумкин бўлмас! Уни асли ҳолига қайтариш керак.

Қ. СҮПНЕВ,
Н. НАЖМИДИНОВ.



✦ БУСТОНЛИҚ. Ҳужа кентининг шу кунги мафтунок манзаралари.

Д. Аҳмедов фотолари.



ТОШ АСРИГА САЁХАТ

• Ўлкамиз табиатига бир назар

ЎРТА ОСИЕДАН топишган қадимги тош асри — палеолит даврига мансуб тарихий ва маданий ёдгорликларнинг учдан бири қисми, яъни ўттизга яқини обастимиз территориясида жойлашган. Қадимги одамларнинг тош қуролларини археологлар турли горлардан ва Кўлбулоқ, Бўзсув, Туябугиз, Навоилсой, Чорвоқ каби жойлардан топиб, баъзилар урганишган. Уларнинг берган маълумотларига кўра қўйи палеолитнинг аниқ давридан бошлаб қадимги одамлар обастимиз территориясида яшай бошлашган, мустье, юқори палеолит ва мезолит даврида эса улар бирмунча кенг тарқалган.

Ўлкамиз тарихидаги қадимги тош асри Обираҳмат, Ҳўжақўл, Чотқол, Оқтош каби горларда яхшигина «из» қолдирган. Бу горлардаги ёдгорликлар ўзининг бой материаллари яхши сақланганлиги ва улардаги тош қуролларнинг бир-бирига ўхшашлиги билан ажралиб туради. Тоғларимиз горларини бир неча ўн минг йиллар муқаддам қадимги одамлар томонидан ўзлаштирилишига асосий сабаб. Ер шарини мўз босиб даврида бу ерларда ҳам йиллик ўртача ҳарорат ҳозиргидан 2—3 даража паст бўлганлигидир.

Тоғларга қаттиқ қор тушиб, қор чўққиларида музликлар анча бергайиб, уларнинг тили дарё vodiylarига ҳам тушган. Натижада, серсув дарё ва сойлар бағридаги бўлоқларнинг ҳам жаранги авжига чиққан. Енгоқ, бодом, pista, олча, ўрик, нок каби табиат туғфалари кент тарқалган. Улар қўйида ҳозиргидек анча кўпроқ тоғ гўзаллари — оҳу кўзи киёйи, айёқ, тўғиз, каклик каби ҳайвон ва қўшлар яйраб яшашган.

Текисликларда қаттиқ изғиринлар, бўронлар бўлиб турганлиги сабабли, аждодларимиз ва ёввойи ҳайвонлар тоғлардаги пана ерларга, горларга кириб тирикчилик ўткази бошлашганлар. Горларнинг тошли осмони остида хавфли йиртқичлар билан инсон жой таллашиб, ҳаёт-мамот курашлари бўлганлигини Обираҳмат гори ётқизикларидан топишган гор шерининг суякларини ҳам тасдиқлаб турибди.

Хуллас, ибтидоий одамлар айрим қўлай горлардан ноқулай оби-ҳавода бошпана ўрнида, кейинчалик эса турар-жой манзилгоҳи ва шу атрофдаги турли тоғ жинсларидан меҳнат қуроллари ясайдиган «устахона» сифатида фойдаланишган. Қадимдан «Омонбой унгури» деб аталган биргина Обираҳмат горидаги ўн метрли маданий қатламдан археологлар Р. Сулаймонов ва Т. Омонжуловлар мустьедан юқори палеолитга ўтиш даврига хос бўлган ўттиз мингдан ортиқ турли тош қуролларни батафсил ўрганишган. Бу қуроллар асосан шу атрофдаги кремнийли оҳактошлардан бундан 50—60 минг йиллар бурун тайёрланган экан. Аждодларимиз горларнинг «калит»ни қачон олишганини аниқлаш бирмунча қийин. Лекин геология, геоморфология ва археология фанлари ишлаб чиққан илмий усуллар бунини аниқлаш имконини бермоқда. Афсуски, ер қимирлаши ва тоғ жинсларининг нураши, қўлақин туфайли тоғларимизда содир бўлган айрим ўзгаришлар натижада баъзи горларнинг кириш қисми беркилиб қолган. Улар балки қадимги аждодларимизнинг сирини биздан пинҳона яшириб ётгандир. Оқтош ва «Кристалл» пансионати ҳовлисида бундан

дан ўн йилча муқаддам қўриган тош қуролли горларни қайта бориб топа олмадик. Кичик сурилма туфайли уларнинг озги беркилиб қолган қўринадди. Шунга кўра, бу ерда ташкил қилинаётган Угам-Чотқол табиий боғи аждодларимиз «уй»нинг эшикларини зияратчилар учун очиб қўйиш ва уларни турли кўнгилсизликлардан қўриқлаш имконини ҳам яратса ажаб эмас.

Сўнгги йиллардаги карст-шунослик ишларимиз жараёнида, биргина Чирчиқ дарё ҳавзасида беш юздан ортиқ катта-кичик турли тузилмидаги горларни топиб ўргандик. Уларнинг баъзилари ўзидagi фойдали қазилмалари билан фақат геологларига эмас, балки тошга айланган суякларини, тош қуролларини, сопол синиқлари билан археологларини ҳам кутаётганлигининг гувоҳи бўлди. Шулардан эллика яқинини археологлар ҳўқимига ҳавола қилдик. Ҳозир улар профессор У. Исломов раҳбарлигида қидирув ишларини олиб боришмоқда.

Шуларга асосланиб айтиш мумкинки, келажакда топиладиган аждодларимиз «уйлари»даги ашёларни ҳам олимларнинг таққослашиб, замонлар ўтиши билан шу масканда яшаган кишилар ҳаёт тарзидagi ўзгаришларини, уларнинг техник маданиялари турли даърларда ривожлани бориши сирларини янада тўлароқ очадилар. Натижада обастимиз территориясида одам даслас қачон яшай бошлаганини каби гоёт мураккаб тадқиқотлар поёнига етади.

И. ОТАЖОНОВ,
СССР География жамаи-
тининг ҳақиқий аъзоси.

ХАР ТУҒРИДА

КЕЛАЖАК АВЛОД
УЧУН

✦ ЯҚИНДА Шницберендаги шахталарнинг бирига қўллаб шиша бутилкалар солишган металл контейнерлар туширилди. Бу идишларга ўн мингтадан ортиқ турли ўсимликларнинг уруғлари солинган. Бундан мақсад ҳозирги ўсимликлар, биринчи навбатда дон экинлари ва сабзавотларга хос бўлган хусусиятларини келажак авлод учун сақлаб қолишдир. Олимлар инсониятнинг атроф-муҳитга ваҳшийларча муносабатда бўлиши оқибатида планета флораси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетиши мумкин, деб ҳавфсирамоқдалар.

Бу шахтадаги «ўсимликлар банки»да доимий ҳарорат Цельсий бўйича минус уч градус бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, шундай режим ўсимликлар хусусиятлари узоқ вақт сақланишини таъминлайди.

ТҮРТ МИНГ ЙИЛЛИК ПИВО

✦ ЯНГИ Гибридлар архипелаги ороллариининг бирида ишлаётган археологлар ноёб топиламага дуч келдилар. Тўрт минг йилдан бери ер остида ётган сопол идишда яхши сақланган суяқлик бор эди. Лабораториядаги тадқиқотлар бу суяқлик пивога ўхшаш ичимлик эканлигини кўрсатди. У арпа, сули, асал ва папоротникдан тайёрланган экан.

ЛАГОС НЕГА
«ЧҲҚМОҚДА»

✦ МИЛЛИОНЛАБ лагослар ҳар йили минглаб қудуқлардан оладиган сув Огуш штатидаги Абсокут шаҳри атрофида жойлашган баланд қирлардаги ягона манбаъдан ер остидаги табиий ҳавзага оқиб келади. Лагос ҳақиқатан ҳам ерости ороли устида «сузиб юради». Бироқ, сувнинг табиий оқими унинг сарфланишига нисбатан камдир. Экспертларнинг фикрича, шаҳар айрим қисмларининг муттасил қўқиши сабаби ҳам шунда.

ПАСПОРТ ЎРНИГА ЎНИҚ

✦ БУРКИНО — Фасода у ёки бу гражданиннинг шахсини аниқлаш учун қўпичта ундан паспорт сураб ўтириш шарт эмас. Габрий Африкадаги бу мамлакатда яшовчилар ҳақидаги қизиқлиқларнингизнинг қўпини уларнинг юзидаги ўнқилар гапириб беради.

КУЛГАНИНГ —
ЕНГИЛГАНИНГ

МАЛАККА ярим оролининг жанубий қисми аҳолиси ўзаро гаройиб дуэллар уюштириб турадилар. Дуэлчиларнинг қўлида на тўп-понча, на қилич эмас, товус пати бўлади. Секундантининг ишораси билан рақиблар шундай «қурол» билан диаметри уч метрли доира ичида қирадиларда бир-бирларини пат билан қитқиллашга тушадилар. Дуэль камданкам чорак соатдан ортиқ давом этади. Ким биринчи бўлиб кулса, ўша мағлуб деб ҳисобланади.



✦ Дарактадаги «дастх»лар.

Т. Лутфуллаев фотобайомаси.

ТОШКЕНТ
ҲАКИКАТИ

«Сув ҳавзалари
мусаффо бўлсин»

Газетанинг шу йил 5 март сонидида юқоридаги сарлавҳа билан берилган мақолага

«Ташғорводхоз» бошқармаси бошлиғи Л. Муҳаммадзаров нмзоси билан жавоб олди. Унда бундай дейлади: «Газетада берилган «Сув ҳавзалари мусаффо бўлсин» сарлавҳали мақола «Ташғорводхоз» бошқармасининг кенгайтирилган кенгашида муҳокама қилинди.

Мақолада аҳолининг каналларини тозалаш ва тартибга келтириш масаласи жуда тўғри кўтарилган. Бу йил

11 январдан 7 февралгача «Ташғорводхоз» бошқармаси кучи ва маблағи билан Кайковус каналда 8,1 минг куб метр ҳажмида тозалаш ишлари амалга оширилди. Бир вақтининг ўзида 12—15 та самосвал, 3 экскаватор ва 70—80 нафар ишчи ишлади.

Каналнинг Чувалачи, Сағбон, Нодира кўчалари, С. Раҳимов номида дам олиш ва истироҳат боғи ва бошқа участкаларидаги нишоотла-

ри жорий ва капитал ремонт қилинди. Каналнинг 1,5 километр узунлигидаги қисмини реконструкция қилиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Бунинг учун 150 минг сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. «Ташмелливодстрой» трестининг 2-механизацияланган кўлма колоннаси пудратчи қилиб тайинланди. Бу ишларга вегетация даври тугагандан кейин киришляди.

БОЛАЛАР ОЛАМИДА

Мактабда интернационал тарбия



ЯШАСИН БСР ХАЛҚЛАРИНИНГ БУЗИЛМАС ДУСТЛИГИ!



★ ПОЯТХИМИЗДАГИ Маннон Уйғур номли 22-ўрта мактабнинг интернационал дўстлик клуби байрам арафасида ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Бу тадбирда Тошкентда билим олаётган чет эллик студентлар ҳам иштирок этдилар. Сурия, Яман Халқ республикаси, ливиялик талабалар пионер ва ўқувчилар

тайёрлаган адабий композициядан мамнун бўлдилар. Бу кечада улар дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, яхши ўқишлари билан тинчлик ишига муносиб ҳисса қўиш ҳақида суҳбатлашдилар.

СУРАТЛАРДА: мактабда ўтган учрашувдан лавҳалар.

В. Тўраев фотолари.

— Мана бу қўлимдаги мактуб суриялик дўстларимиздан, — деди навбатдаги конвертни очаркан, интернационал дўстлик клубининг президенти Дилноза Ризаметова. — Улар биз йўллаган табрик хатимизни олиб жуда хурсанд бўлишибди. Жавоб хатларида эса ўз миллий байрам тантаналари ҳар йили мароқли ўтатирилганлиги ҳақида қизиқарли ҳикоя қилишибди...

Тошкентдаги 29-мактабнинг В. Жонибеков номли дружинаси қошида ташкил этилган интернационал дўстлик клуби бир неча йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Клуб қошида ёш интернационалистлар, лекторлар, коллекционерлар, маданий-оқартув ва хатлар секциялари ишлаб турибди. Клуб аъзолари она-Ватанимизнинг қўлгина республикалари, шунингдек Сурия Араб Республикаси, Польша, Болгариядаги дўстлари билан хат азияшб турдилар. Улар рус ва араб тилини яхши ўзлаштирганлар.

Мактабда дўстлик ва қардошлик кечалари, бирдамлик митинглари, қизиқарли учрашувлар тез-тез бўлиб туради. Ана шундай тадбирларнинг ўтказишда уларга клуб раҳбари Сайёра Расулова, жонқуяр ўқитувчилардан Абдулла Алимов, Анавар Ғуломов, Абдукарим Шахидов, Тоир Қориев, Абдусомит Ҳакимов, Нодира Пултовалар доимо бошқош бўлишмоқда.

Яқинда ўтган кечалардан бири Сурия Араб Республикаси мустақиллигининг 42 йиллигига бағишланди. Унга Тошкент политехника ва Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтларида тахсил олаётган бир гуруҳ суриялик ҳамда фаластинлик студентлар тақдир қилинди. Педагоглар, ўқувчилар уларни қувонч билан кутиб олишди.

Меҳмонлар мактаб музейини, кейин фан кабинетларини айданиб ўқувчилар ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Тантанали учрашувда мактаб директори С. Азизхужаева совет-араб халқлари дўстлиги ва ўзаро ҳамкорлигининг бу-

гунги кундаги аҳамияти ҳақида гапирди. Бу мактабда болалар араб тилини севиб ўрганишмоқда. Ўқув даргоҳини битириб Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетига тахсил олаётганлар ҳам анчагина. Мактабнинг собиқ талабаларидан анчагина эса дорилфунунда ўқиб, ажойиб мутахассислар бўлиб етишишган.

Директор ана шулар ҳақида гапирар экан, ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлашда хоржий студентлар билан ўтаётган бундай учрашувлар яхши самаралар бераётганлигини таъкидлади.

Сўнг 10-«А» синф талабаси Б. Шоюсупов ўқувчиларнинг табригини араб тилида ўқиб эшиттирди.

Бу даврада иштирок этаётган Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтини гидрометеорология факультетининг 2-курс талабаси Зухейр Иса дўстлари номидан сўз олиб бундай деди:

— Бугунги байрамимизни сизлар билан бирга нишонлаётганлигимиз биз учун катта бахт деб биламан. Ўзгал Тошкент, унинг саховатли одамлари бизга жуда-жуда ёқди. Билим олишимиз ва яшашимиз учун барча шароитлар яратилган. Ўзбек юрти билан бизнинг миллий урф-одатларимиз, тўйларимиз ҳатто таомларимизнинг ўзаро ўхшашлигини айтмайсизми... Тошкентни эса бемалол иккинчи она-юртимиз деб айта оламиз.

Учрашув қатнашчилари Абдул Босит ва Аюб Зайнаблар сўзларини ҳам диққат билан тингладилар. Улар дунёда тинчликнинг барқарор бўлишида турли миллатлар фарзандларининг дўстлиги катта роль ўйнашини қайд қилдилар.

Учрашув ёнгида мактаб бадий ҳаваскорлари концерт кўрсатдилар. Айниқса, ўқувчилардан Ирода Авазова, Нигора Бўриева, Барно Усмонова, Феруза Юсуповаларнинг қўшиқлари ҳаммага манзур бўлди. Кеча мароқли ўтди.

Умида МАНСУРОВА.

ТУЛКИ ВА СИЧҚОН

ЭРТАК

Бир тулки бешта тулкича туғибди. У ўз болаларини жуда яхши кўрар экан. Ҳар кунни уларга овқат учун қўш, сичқон, қурбақа ёки қўғиз топиб келар экан.

Бир кунни Тулки ўз уясида сал нарида Сичқон инини кўриб қолибди, Сичқон болалари билан ин атрофида юрган экан, улар Тулкини кўриб қолиб зўрга қочибга улгуришибди. Тулки ин оғзига келиб:

— Сичқонвой ўзинг ёки болаларинг, албатта, шу ердан чиқади, шунда бари-бир тутиб оламан, — дебди.

Тулки узоқ вақт пойлаб ўтирибди. Сичқон болаларининг қорини очиб кетибди, лекин улар индан ташқарига чиқа олишмабди. Оч қолган болаларига она сичқонининг раҳми келибди. Шу пайт унинг эсига Тулкини қўрқитиш келиб қолибди. Сичқон индан туриб:

— Тулкивой, қоч, ўрмондан бўри келаяпти, — деб чийиллабди. Тулки қочмабди, фақат мийиғида кулиб қўйибди.

Сичқон яна қаттиқроқ чийиллабди:

— Қоч, Тулки, ана овчи, милтиғ билан келаяпти.

Тулки ана кулиб тураверибди.

Шунда Сичқон: — Тулки, уянгга, болаларинг олдига бўри қираяпти! — деб қаттиқ чийиллабди.

Тулки қўриқиб кетибди. Шу заҳотиёқ ўз болаларини қўтариш учун ин томон югуриб кетибди.

Русчадан Зухра ҒАФУРОВА таржимаси.



ТАБИАТ ҚУЧОҒИДА

Ширингина қизалоқ Табиатнинг мафтун, Мўйқалам, турли бўёқ Машқача чорлар уни. Қизга ҳамроҳ мураббий «Жанжонгинам чиз», дейди. «Ҳар чизингдан табиий, Қолсин ёру из дейди. Устоз-шоғирд бир бўлиб, Улуглашар одамни. Ранглар турфа нур бўлиб, Қулдиришар оламни.

Самд ВАЛИ.

М. НАЗАРОВ фототюди.

ТОЗАЛИК ҚАНДАЙ СОЗ-А?

— Айланиб кетай қўзим, Сенга гапим бор, қизим, Қиз боланинг қўли гул, Турган-юрган йўли гул. Ҳаммаёқ бўлса тоза, Узинг айт, қандай соз-а. Сизиб қолдим сен эса Экансан-а, дангаса! Башар ҳайрон бўлади, Тили бийрон бўлади. Мени дангаса, ялқов Дея ким айтди дарров! — Қизим бор гапни холм Айтиб турибди ҳовли. Рауф ТОЛИБ.

УХЛАБ ҚОЛДИ ҚЎҒИРЧОҚ

Роппа-роса бир соат Ётдим синглим ёнида. Секин чикдим ташқари! Ухлаган онда. Зумда эшик охишта, Очилиб қолди бирик. — Секин! — йиладди синглим, Ухлаб қолди қўғирчоқ, Феруза ЖАЛИЛОВА.

КИМ ШИРИН?

— Қани, айт-чи, Алишер, Даданг ширинми, ойинг! Нуқул аям яхши деб, Мактаб юрасан доим. Жавоб қилар шунда у Уйлаб турмасдан бир дам. — Ширин бўлар музикамоқ Олиб берганда дадам... Абдулла ТУРДИЕВ.

«КУНДАЛИК ТОПШИРҚ»ДАН

Қ У Т У Л Д И М

Ҳажвия

Ўғилчам тушмагур қўлга ўрганган. Эшикдан киришим билан салом беради-ю, чўнтагимга ёпишади. Аслида ўзим ўргатганман. Боланинг ёшлигида меҳри товланса катта бўлганда отага ҳурмати ортади деб кўп бора эшитгандим. Бир кунни ишдан кечроқ келдим. Ўғилчамнинг «кундалик топширғи» бўйича ҳеч нарса ололмадим. Эшикдан кирарканман «ухлаб қолгандир» дея ўз-ўзимга тасалли бердим. Йўқ, ярим тун бўлиб қолишига қарамай кўзларини бодрокдек очиб ўтирган экан. Саломий ҳам юмалоқ-ёстик қилди-ю, менга қараб югурди.

— Кеч қайтдим, ўғлим, ҳеч нарса ололмадим, — дедим. Ҳархаша авжига чиқди. Уйдагиларнинг уйқуси бузилди. — Шу болани эркатой қилиб юбордингиз, десам парво қилмаяпсиз, — дея онаси дакки бера бошлади.

— Қўйинглар энди, чарчаганман.

Йўқ, ўғилчам қўймади. Алламаҳалгача йиғлаб тинчмизни бузди. Эрталаб писта-

чининг олдига ўзини ҳам олиб боришга кўндириб аранг тинчтдим. Шартимизга кўра худди шундай бўлди. Гузарда йиртилиб кетган дўпписининг ёни қиққан, соқоллари ўсган, бармоқлари кирдан қорайиб кетган Олимбоққол эски чопинини кийганча тағига икки-та гиштни қўйиб ўтирарди. Ўғлим билан унинг олдига яқинлашдик. Менга ҳар кунги таниш бўлган қора халтада писта. Унинг устида писта тўлдирилган кичкина стакан турарди. Халтанинг ёнида тахлаб қўйилган хўрозқандларни пашша талаб ётибди. Қўлимга стакани олиб бир пас томоша қилдим. Назаримда у яна эговлаиб ҳар кунгидан ҳам кичкина бўлиб кетгандек эди.

— Неча стакан чақсан! — сўрадим ўғлимдан зарда билан кечасидеги безовталигим эсимга тушиб.

— Чақмайман, — деди у, пистачига бошдан-оёқ тикилар экан.

— Бўлмаса хўрозқанд ола қойлайлик.

— Керакмас, пашшасини қаранг!

— Нима дейсан бўлмаса! — дедим хуноб бўлиб.

— Кетамиз. У афтини бужмайитириб олган эди. Баққол болага қараб хиринглади.

— Ужарроқ эканми, а? — деди у.

— Ҳа, ўжар, — дедим хо-муш тортиб.

Уйга келганимизда ўғилчам мени саволга тутди:

— Ҳар кунни нарсаларни ўша кишидан олармидингиз?

— Ҳа, бўлмаса кимдан оламан, йўлимда бошқа гузар йўқ.

— Бўлди, мен писта ҳам чақмайман хўрозқанд хир-шиммайман. Ҳаммаси кир-чир. Сизга нарса олиб келинг ҳам демайман.

— Ростми шу гапинг?

— Рост.

Яхши ҳам Олимбоққол бор экан, дейман ўзимга-ўзим. «Кундалик топширқ»дан осонгина кутулдим-а. Сизнинг эркатой ўғилчангиз бўлса Олимбоққолга рўпара бўлинг, инжиқлигидан кутуласиз-қўясиз.

Насрулло ҲИҚМАТУЛЛАЕВ.

ТЕЗ АЙТИШЛАР

★ Тўра тўпни тутиб, Турди томон тепди.

А. МУХАММАДАЛИЕВ.

★ Самандар сабзини саватга санамай солди.

Н. ИСМОМОВ.

★ Қайси қайчи ўтмас қайчи, айтчи, чархчи!

★ Тоғдаги тўриқ отдан, Боғдаги ориқ от зотли от.

С. ҒАФУРОВ.

★ Сайфи соҳилда саъванинг секин сайраганини сезд.

З. ҲОЖИЕВ.

★ Тўртовлон таътилда тўрт тонна темир-терсек тўплашди.

Ю. ПАНАЕВ.

★ Тургун тўғраган турпни Турсун ташиб турди.

Н. ЯҲҲЕВ.

2 МАЙ

● MT-I

8.30 Янгилар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.30 Оламда қўшиқ яшар. 10.00 Будилик. 10.30 Совет Иттифоқида хизмат қилган! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Киноафиша. 13.00 Музикали киоск. 13.30 Қишлоқ янгилар. 14.30 Илмий-оммабоп фильм. 15.25 Эски уйда ҳовли тўйи. Фильм-спектакль. 18.25 Қувноқ киноконцерт. 19.10 Ўғил. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Аншлап. Аншлап. 23.15 Янгилар. 23.20 Оперетта, оперетта 00.20 Футбол шарҳи.

● MT-II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.50 Хужжатли фильм. 9.30 Мультифильмлар. 10.00 Делегацияда музей. Рус костюми. 10.25 Реклама. 10.30 Динозаврнинг изи қаерга босилди. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.40 Фильм-концерт. 13.00 Мен орзу қилган кемалар. 13.25 Капитан аёл. Фильм-спектакль. 14.55 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. 16.30 Дульсиня Тобаска. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 18.45 Мультипликация ҳақида эрталар. 19.45 Оризонг ансамбли чалади. 20.00 Ериб ўтиш. Хужжатли фильм. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Иоган Штраус хузурида меҳмонда. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей. СССР чемпионати. Танафусда — Янгилар.

● УзТВ

8.30 Ассалому алайкум. 10.00 Хужжатли фильм. 11.10 «Дилдан қўйлаб, ўйнаб қувноқ». Телефестиваль. 12.10 Қўш хамона. Бадий фильм. 13.20 Мультифильм. 13.30 Концерт. 14.00 «Бозор қўрмаган йигит». Телефестиваль. 18.05 Қувноқ болалар. Чирчиқ шаҳри болалар боғчалари тарбияланувчиларининг байрам тоғшалари. 18.45 Телефильм. 19.20 Мультипанорама. 20.00 «Ахборот». 20.15 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Давлат хизмат кўрсатган «Ялла» вокал чоғу ансамблининг В. И. Ленин номи СССР Халқлари дўстлиги саройида Концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Ялла» вокал чоғу ансамбли концертининг давоми. 22.55 Миниятюралар театри.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Хужжатли фильм. 19.55 Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиги. Бадий фильм. 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

3 МАЙ

● MT-I

7.00 «120 минут». 9.00 Футбол шарҳи. 9.35 Ўғил. Бадий фильм. 1- ва 2-сериялар. Танафус пайтида — Янгилар. 12.00 Россия тароналари янграйди. 16.00 Янгилар. 16.15 Қайта қуриш прожектори. 16.25 Концерт. 16.40 Ворошиловград телевидение студиясининг программаси. 17.15 Хужжатли фильм. 17.30 Концерт. Б. Чайковский. 17.50 Мультифильм. 18.00 Фалсафий суҳбатлар. 19.00 Хужжатли фильм. 20.00 Кукарача. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Хоккей. СССР чемпионати.

● MT-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм.

9.35, 10.35—География. 10.05 Француз тили. 11.05 Эстетик тарбия. Инсон ва буюмлар. 11.35 Табиатшунослик. 11.55 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Француз тили. 12.35. Қувноқ болалар. Бадий фильм. 14.15 Қишлоқ янгилар. 15.15 Янгилар. 15.25 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. К. Маркс. 18.35 Янгилар. 18.45 Совет Иттифоқида хизмат қилган! 19.45 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 Ҳаракат ҳафсизлиги учун. 21.20 Жилвалар. Хужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Иллюзион» Г. Александров фильмлари. 23.45 Янгилар. 23.50 Тонгги почта.

● УзТВ

16.45 Адабиёт. 17.15 Телефильм. 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.15 Мультифильмлар. 18.55 КПСС Марказий Комитети февраль (1988 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 Ёшлик. 20.00 «Ахборот». 20.15 Кинолаҳза. 20.20 Дольдерб вазира. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Хужжатли фильмлар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Хужжатли фильм. 20.00 Фильм-концерт. 20.30 Ёшлик. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

4 МАЙ

● MT-I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультифильм. 9.35 Кукарача. Бадий фильм. 11.05 Янгилар. 11.15. Фидойи шахслар. 16.00 Янгилар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Замондошимиз портрети. 17.05 Концерт. 17.45 Мен, сен ва биз ҳаммаимиз биргаликда. 18.30 Агар соғлом бўлай десангиз. 18.45 Сияратган боғ. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Инсон ва қонун. 20.05 Мультифильм. 20.10 Шаҳарни асраб қолган одам. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 В. Федоров поэзияси. 22.55 Дунё воқеалари. 23.05 Фильм-концерт премьераси.

● MT-II

9.00 Эрталабки гимнастика. Укув программаси. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 Немис тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. 11.35 Физика. 12.05 Немис тили. 12.35 Цирк. Бадий фильм. 14.05 Телевизион хужжатли фильмлар. 14.55 Янгилар. 15.05 К. Маркс. Навқиронлик йиллари. 6-серия. 18.35 Янгилар. 18.45 Хужжатли фильм. 19.00 Қишлоқ янгилар. 20.00 Концерт. Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 20.55 Поэзия. 21.20 Қайта қуриш прожектори. 21.30 «Время». 22.00 Спорт программаси. 24.00 Янгилар.

● УзТВ

16.45 География. 17.15 Телефильм. 17.30 Қизилкарли математика. 18.00 Янгилар. 18.10 Концерт. 18.50 Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи — 70 ёшда. 19.10 Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи 70 йилгига 20.00 «Ахборот». 20.15 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Музи-

кал программа. 21.30 «Время». 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 Ғаройиб бола. Кинокомедия. 23.40 Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Фильм-концерт. 20.05 Хужжатли фильм. 21.00 Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

5 МАЙ

МАТЕБУОТ КУНИ

● MT-I

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.30 Телевизион фото-конкурс. 9.35 Шаҳарни асраб қолган одам. Бадий фильм. 10.55 Янгилар. 11.05 Мен, сен ва биз ҳаммаимиз биргаликда. 11.50 Инсон ва қонун. 12.20 Фильм-концерт. 16.00 Янгилар. 16.15 Қайта қуриш прожектори. 16.25 Хужжатли фильм. 16.55 Концерт. 17.15 Марказий Америкада тинчлик: орузумидлар ва реал воқеалик. 17.35 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.20 Музикали ҳазина. 19.05 Дунё воқеалари. 19.25 Бутуниттифок XIX партия конференцияси олдидан. 20.05 Хужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Бизнинг бурчимиз. 23.30 Дунё воқеалари. 23.40 Концерт.

● MT-II

9.00 Эрталабки гимнастика. Укув программаси. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Умумий биология. 10.05 Испан тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. 11.35 «Фауст». 12.05 Испан тили. 12.35 Оркестр билан катта кўча бўйлаб. Бадий фильм. 14.05 Хужжатли фильм премьераси. 14.35 Янгилар. 14.45 К. Маркс. Навқиронлик йиллари. 7-серия. 15.50 Концерт. 18.35 Янгилар. 18.45 Киножурнал. 18.55 Вазиятга қараб иш тут. Бадий фильм. 20.05 Поэзия. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45. Ритмик гимнастика. 21.15 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Хоккей. 24.00 Янгилар.

● УзТВ

16.45 Жамиятшунослик. 17.15 Инсон, ер, космос. Илмий-оммабоп фильм. 17.50 Янгилар. 18.00 Мультифильм. 18.10 Агрессия: таъриба ва муаммолар. 18.40 Бутуниттифок XIX партия конференцияси олдидан. 19.15 Хотира. 20.00 «Ахборот». 20.15 Фильм-концерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Нодир шахс. Бадий фильм. 23.40 Янгилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Бир умрга тенг йил. Бадий фильм. 1-серия. 21.00 Музикали телефильм. 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

6 МАЙ

● MT-I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультифильмлар. 9.35 Севги ва қабуллар. Бадий фильм. 11.15 Мўжизасиз мўжизалар. 12.15 Янгилар. 12.25 Бизнинг бурчимиз.

16.00 Янгилар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Агрессия: таъриба ва муаммолар. 16.40 Ленинград телевидениесининг программаси. 18.00 Болалар учун кўрсатув. 18.30 Мактаб: ўзгаришлар даври. 19.15 Дунё воқеалари. 19.35 Фильм-концерт. 20.05 Мультифильм. 20.15 Қизинам. Бадий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Қизинам. Бадий фильм. 2-серия. 23.40 Нигоҳ.

● MT-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Илмий-оммабоп фильм. 9.55 Хужжатли фильмлар. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Генетик инженерия. 11.35 Чин инсон ҳақида қисса. 12.05 Инглиз тили. 12.35 Вазиятга қараб иш тут. Бадий фильм. 13.40 Хужжатли фильм. 14.15 Янгилар. 14.25 Клавдия Шульженко куйлайди ва ҳикоя қилади. 18.30 Янгилар. 18.40 «Хат» Хужжатли фильм. 19.00 Халқ чоғлари садолари. 19.30 Хайвонот оламида. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Киножурнал. 20.55 Телевизион фотокурс. 21.00 Музикали киоск. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Поэзия. К. Симонов. 22.40 Янгилар. 22.45 П. И. Чайковский номи конкурс лауреатлари.

● УзТВ

17.00 «Қувноқ» «Стартлар». 18.00 Янгилар. 18.10 Ўсмир ва қонун. 18.45 Бутуниттифок XIX партия конференцияси олдидан. 19.10 Тошкент ва тошкентликлар. 20.00 «Ахборот». 20.15 Комсомол прожектори. 20.30 «Ахборот». 20.50 Фильм-концерт. 21.20 Хужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 11.15 Унутилмас сатрлар. 23.35 Бугун оламда нима гап!

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 Бир умрга тенг йил. Бадий фильм. 19.50 А. Дударев. Оддий аскарлар. Спектакль. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

7 МАЙ

● MT-I

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.35 Нера ва нима учун! 10.05 СССРда Ҳиндистон фестивали. 10.20 Хужжатли фильм. 10.50 Концерт. 11.15 Хужжатли фильмлар. 11.30 Немис халқи фашизм зулмидан озод этилган кунга. 11.50 Тележурнал. 12.20 Телевизион композиция. 13.05 Социализм мамлакатларида. 13.35 Бутуниттифок XIX партия конференцияси олдидан. 14.00 Бутуниттифок XIX партия конференцияси олдидан. 15.00 Шерият лаҳзалари. 15.05 Халқро ҳаёт Бош редакцияси таништиради. 16.10 Дунё воқеалари. 16.30 Хайвонот оламида. 17.30 Мультифильм. 17.50 Хужжатли фильм. 20.05 Концерт. 20.20 Телефильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Нима, қаерда, қачон! 23.45 Янгилар.

● MT-II

8.30 Гимнастика. 8.45 Истикбол. 9.35 Телевизион театр. 10.50 Қайта қуриш ва ҳуқуқ. 11.10 «Здоровье». 11.55 Уринг боқий бўлсин, ер. 13.00 Фан: назария, таъриба, практика. 13.30 Рус маданияти ҳақида суҳбатлар. 14.20 Мўжизасиз мўжизалар. 15.30 Давлат чегараси. Кўп серияли телевидион бадий фильм. 5-

фильм. 17.50 Музикали абонемент. 18.45 «Биз қўшни эдик». Бадий фильм. 20.00 Хужжатли фильмлар. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Концерт. 00.15 Янгилар.

● УзТВ

8.00 «Ассалому алайкум». 9.30 Телефильм. 10.00 Бугун зорлар орада. Бадий фильм. 11.15 Уй қандай қурилади. 11.45 «Спортивный Узбекистан». 12.15 Концерт. 12.50 Шаҳар ташвишлари ва муаммолари. 13.20 «Замандаш». 14.20 Телефильм. 17.00 Тенгдошлар. 17.45 Бугун — радио кун. 18.15 Концерт. 19.00 Оламга савҳат. 20.00 «Ахборот». 20.20 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Беш кеча кундуз. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

8 МАЙ

● MT-I

8.30 Янгилар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.30 Киножурналлар. 9.50 «Спортлото». 10.00 «Будильник». 10.30 Совет Иттифоқида хизмат қилган! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Музикали киоск. 13.30 Қишлоқ янгилар. 14.30 «Здоровье». 15.15 Шерият лаҳзалари. 15.20 Останкино концерт студиясида учрашув. 17.05. Мультифильмлар. 17.35 Илмий-оммабоп фильм. 18.30 Халқро панорама. 19.15 Ералаш. 19.25 Концерт. 20.00 Вазият. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Хужжатли фильм. 22.55 Янгилар. 23.00 Турли йиллар қўшиқлари.

● MT-II

8.30 Зарядкага сафлангиз. 8.45 Сурков поэзияси. 9.35. Илмий-оммабоп фильм. 10.20 Касб танлаганда. 10.50 Ажойиб кишилар ҳаёти. 11.30 Илмий-оммабоп фильм. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Солдат қўшиқлари. 16.05 Хоккей. СССР чемпионати. 18.30 Фотокурс. 18.35 Хужжатли фильм. 18.55 Концерт. 19.05 Киноафиша. 20.05. Хужжатли фильм. 20.15 Концерт. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Чет эл фильмлари экрани. 23.55 Янгилар.

● УзТВ

8.30 «Ассалому алайкум». 10.00 Хужжатли фильм. 10.30 Биргаликда куйлаймиз. 10.50 Рус тили барчага. 11.25 Чехословакия фашист босқинчиларидан озод этилган кунга. 12.50 Жангчи шoirларга бағишланган адабий кўрсатув. 13.30 Шўх бўталок. Спектакль. 14.15 ДОСААФ — мардлик майдони. 14.45 Хужжатли фильм. 17.00 Телефильм. 17.15 Халқро X Тошкент кинофестивали олдидан. 18.15 Санъат гунаҳари. 18.50 Ая портрети. 20.00 «Ахборот». 20.20 «Наштар». 20.30 «Ахборот». 20.50 Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 «Жасорат».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

#



ТОШКЕНТ ШАҲРИ МЕҲНАТКАШЛАРИ БАКИЛЛАРИНИНГ 1 МАЙ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1988 йил 1 Май — меҳнаткашларнинг Ҳалқаро бирдамлик кўни В. И. Ленин номидаги майдонда Тошкент шаҳри меҳнаткашлари бакилларининг умумшаҳар намоёиши бўлади. Намойиш соат 10.00 да бошланади.

Намоёишда қатнашувчи меҳнаткашларнинг бакиллари ўз корхоналари, ташкилот ва муассасалари бўйича тўпланмиш пунктларига йиғиладилар, район колонналари таркибда белгиланган маршрут бўйлаб В. И. Ленин номи майдон томон йўл оладилар.

Таклиф билети бўлган кишиларини В. И. Ленин номи майдонга ўтказиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади. Шаҳарнинг марказий қисмида: А. Навоий, Ф. Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели кўчалари, В. И. Ленин номи ва Ўзбекистон проспекти бўйлаб махсус рухсатномаси бўлган автомобиллардан бошқа ҳамма турдаги транспорт воситаларининг ҳаракати соат 7.00 дан тўхтатилади ва намоёиш тугагандан сўнг қайта тикланади.

1 Май кўни Тошкент метрополитени эрталаб соат 6 дан тунги соат 2 га қадар ишлайди. Соат 8 дан 13 га қадар метронинг «Пахтакор», «Октябрь инқилоби» станцияларининг фақат «чиккиш» қисми ишлайди. Шу вақтда «В. И. Ленин номи майдон» станцияси берк бўлади.

Соат 13.00 дан метронинг ҳамма линияларида поездларнинг ва шаҳар пассажир транспортининг ҳаракати очилади.

ШАҲАР БАЙРАМ КОМИССИЯСИ.

МАЙ БАЙРАМИ кўнлари пойтахтдаги турли хил ёнлар ва оромгоҳларда оммавий ҳалқ сайллари янада гавжум ва қизғин тус олади. Моҳир пазандалар байрамни кўнғилли ўтказиш учун сайлга чиққан шаҳарликларни мазали мингги таомлари билан хушнуд этадилар. К. Маркс номи кўчада ярмарка ташкил этган Киров райони ошхоналар трести ходимлари ҳам байрам қатнашчиларига хизмат кўрсатиш учун жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар.

А. ЗУФАРОВ фотолари.

ФУТБОЛ

БЎЛАР ЭКАН-КУ!

● УТГАН КҮНИ «Пахтакор» футболчилари чемпионатнинг навбатдаги учрашувини ўз майдонларида Кемеровонинг «Кузбасс» коллективи билан ўтказишди ва мавсумда биринчи йирки галабани қўлга киритишди.

Учрашувнинг 21-минутда меҳмонлар Сараевни штраф майдонидан йиқитишди. Марат Кабаев 11 метрлик жарима тўқидан тўғри фойдалана олмади. Бироқ, орадан 2 минут ўтган, у Денисов оширган тўпни рақиб дарвозасига киритиб ўз хатосини тўғрлади.

Азамат Абдураимов 53- ва 72-минутларда иккита тўп киритиб, [бу футболчи шу кўни 22 ёшга тўлди]. Ҳисоби 3:0 га етказди.

Шу турнинг қолган учрашувларида қўйилган натижалар қийд этилди: «Даугавпилс» — «Ротор» — 0:0; «Динамо» [Бт] — «Таврия» — 1:0; «Гурия» — «Шинник» — 1:0; «Металлург» — «Спартак» — 1:2; «Колос» — «Динамо» [Ст] — 0:2; «Полесье» — «ЦСКА» — 1:0; «Котайк» — «Геолог» — 1:1; «Кубань» — «Звезда» — 1:1.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ
ҲАКИКАТИ

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома
Коммунистической партии
Узбекистана и областного
Совета народных депутатов

Издаётся на
узбекском языке

Редакция адреси:

700083, ГСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,
32-53-54 хатлар ва оммавий
ишлар бўлими

— Байроқчалар, гуллар, пуфаклар, албатта бўлсин, — деди сўзининг охирида Ҳамза район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Г. Соттибоева. Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг кенгаши ўтказилаётган эди. Бўлажак 1 Май намоёишининг сценарийсини ўқиб беришди. Ҳаёл қилганини қўйиб юборган эдим, кўз ўнгимга шоду-хандон одамлар, баҳор қуёшида минг хил рангда товланаётган байроқчалар, гуллар ва пуфаклар келди.

Ҳеч нарса эсдан чиқмади, чоғи. «Подъёмник» заводи «Халқ хўжалигига яхши қўнлар етказиб берайлик!» шiori билан ўтди. Пахтачилик учун машиналар давлат махсус конструкторлик бюросининг коллективи эса «Пахтакорлар учун энг яхши машиналар яратамиз!» шioriини кўтариб чиқади. Муносиб хизмат кўрсатган кишилар орден ва медалларини тақиб келишлари керак. Ҳеч ким кеч қолмасин, янглишиб бошқа колонналарга кириб кетмасин, шiorлар белгиланган тартибда кўтариб борилиши керак. Залга йиғилган одамлар бу кўрсатмаларини ёзиб боришар эди. Бирданига кутилмаган воқеа рўй бериб қолса бўладими: бир киши ўрнидан туриб, бизда шior йўқ, деб қолди. Унга шior танлаш ва райкомда тасдиқлаб олиш топширилди.

Ниҳоят президиумда ўтирганлардан бири «Савол борми!» деб сўради. Мажлис ахли тарқалмоқчи бўлиб турган вақтда, бир парторг ўрнидан турди.

— Қачон хўжакўрсинчилик барҳам топаркин? Неча ўнлаб транспарантлар ва шiorларни кўтариб бориш керак, дейишмоқда, идорамизда эса хотин-қизлар кўпчилигини ташкил этади. Улар намоёишга жон деб чиқишди, лекин бу юкини кўтариб бориша олмади. Мажбур қилиш ҳам одобдан эмас: қайта қуриш қени ёки у фақат газеталардаки, деб сўраб қолишди. — Бунини биз ҳал қилмаймиз, — дейишди

президиумдаги ўртоқлар. — Юқоридан кўрсатма бор.

— Мумкинми? — Энди бир аёл ўрнидан турди. — Оркестр билан келишни буюрдингиз, бизда эса оркестр йўқ. Пул тўлаб олиб келамизми?

— Бундай катта портретларни кўтара олмаймиз, — деди бошқа бир аёл.

Президиумдаги ўртоқлар яна хўжакўрсинчилик бўлмаслиги керак, аммо тегишли кўрсатма бўлгани йўқ, — дейишди.

«Тегишли кўрсатмалар» авторларини қидириб мен Тошкент шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимига мурожаат қилдим. Бўлими мудир Н. Рафиқов намоёишга тайёргарлик шаҳардаги барча районларда «ягона план асосида» бораётганлигини айтди. Аммо, ҳар қалай, районларга қандайдир «фармойишлар» бериш, майда-чуйда ишларга аралашиб ҳеч кимнинг ҳаёлига келгани йўқ. Шу боисдан ҳам баъзи жойларда ким қандай шiorлар кўтариб боришини, ким пуфак тайёрлашини, ким музика буюришини барвақт белгиллаб қўйишга уринишлар давом этаётганлиги кишини ҳайратга солади.

... 1 Май — сеvimли байрамларимиздан бири. Утмиш йилларда бу байрамни ҳам эриштирмаган муваффақиятларнинг катта кўригига, планларнинг қозғода ошириб бажарилишига айлантиришган кезлар ҳам бўлди. Хўш, бу байрамга ҳам соф, ҳелоп, самимий қўнларни қайтадан бахш этиш даври келмадими? Оммавий байрамларга тайёргарлик кўриш керак, албатта. Наҳотки, қанча байроқ кўтариш, қандай тележакарни юргизиб бориш зарурлигини, колонналар узра қандай катталикдаги портретлар кўтариб бориш ҳусусида фармойиш зарур бўлса. Наҳотки, биз сценарийларда кўзда тутилган «гуллар» қандай «нишона» берганлигини шу қадар тез унутиб юборсан?

Б. ҲАСАНОВ,
УЗТАГ музбири.

ТАРКИ ОДАТ—АМРИ МАХОЛ

ЛУҚМА

• Реклама ва эълонлар •

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ
МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ
ЯШИЛ ТЕАТРИДА
1 май соат 19.00 да

Лирик хонандалар Комижон БАРАТОВ ва Маръян
ТАНГРИБЕРДИЕВА иштирокида
«НАФОСАТ» ансамблининг

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

II Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивалнинг лауреатлари: Хотам ҚОСИМОВ, Махмуд КОМИЛОВ, Маҳмад-жон ХИДИРАЛИЕВ, Шавкат ОРИПОВ, Аловиддин ЖАЛИЛОВ ва бошқалар.

АНСАМБЛИНИНГ БАДИИИ РАҲБАРИ ТЕМУР МАХМУДОВ.

Билетлар бoг кассасида соат 10 дан 17.00 гача сотилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашрийтининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. — 10749. Индекс: 64884. А. 1392. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

• Реклама ва эълонлар •

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
М. Қориеқубов номи ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси
ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ МАРКАЗИЙ
МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ
ЯШИЛ ТЕАТРИДА
2 май соат 18.00 ва 21.00 да,
3 май соат 20.00 да
М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
КОНЦЕРТ-ФИЛАРМОНИЯ БИРЛАШМАСИ
СОЛИСТЛАРИНИНГ

Байрам концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Холмасхон ҚОДИРОВА, Тошкент область Ленин комсомол мукофотининг лауреати Олимжон ОРИФЖОНОВ; Бахтиёр ТУЛАГАНОВ, Доно ШОРАҲМЕДОВА, Шерқўзи ҲОЗИЕВ, Санобар РАХИМОВА, Олмагул ва Урбугул СУЕРБОВЕВАлар, Ғайбулла МЕЛИЗИЕЕВ.

ПРОГРАММАНИ ШЕРҚЎЗИ ҲОЗИЕВ ОЛИБ БОРАДИ.

Билетлар бoг кассасида сотилади.